

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
“АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОШЛОҚ ТУМАНИ  
42 – УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ  
МАТЕМАТИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ**

**АТАХАНОВ НЕЪМАТЖОН<sup>нинг</sup>**

**ОЧИҚ ДАРС ИШЛАНМАСИ**

Фарғона – 2012 йил

## ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

<p><b>МАВЗУ: ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК ВА КВАДРАТ ЮЗИ ФОРМУЛАСИ.</b>  <b>ТАЯНЧ СЎЗЛАР:</b> тўғри тўртбурчак, квадрат, юза.</p>
<p><b>МАВЗУНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ:</b> тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласи.</p>
<p><b>ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ:</b>  <b>Метод:</b> “Венн диаграммаси”  <b>Шакл:</b> аралаш.  <b>Воситалар:</b> видеопректор.  <b>Назорат:</b> савол-жавоб.  <b>Баҳолаш:</b> рағбатлантириш.</p>
<p><b>ДАРС /АМАЛИЁТ/НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ:</b></p>
<p><b>МАҚСАДЛАР:</b>  <b>Таълимий:</b> тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласини ўргатиш.  <b>Тарбиявий:</b> мавзу орқали ўқувчилар онгига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғояларини сингдириш.  <b>Ривожлантирувчи:</b> ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш, тестга йўналтириш.</p>
<p><b>КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР:</b></p>
<p><b>Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи билади (Билим):</b> тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи топиш формуласини билади.  <b>Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи тушунади (Кўникма):</b> тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи топиш формуласи масалаларга қўллашни тушунади.  <b>Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи бажара олади (Малака):</b> формулаларни қўллаб, мисол ва масалаларни бажара олади.</p>

<b>ДАРС ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ</b>		
ИШНИНГ НОМИ	БАЖАРИЛАДИГАН ИШ МАЗМУНИ	ВАҚТ
1-босқич: Ташкилий қисм	Саломлашиш. Давоматни аниқлаш.	3 мин
2-босқич: Рефлексия. Эҳтиёжларни аниқлаш.	Мустаҳкамлаш.	7 мин
3-босқич: Янги мавзу баёни	Инновацион усул.	20 мин
4-босқич: Мустаҳкамлаш	Интерфаол усул.	10 мин
5-босқич: Баҳолаш. Дарс якуни.	Рағбатлантириш. Хулоса.	3 мин
6-босқич: Уйга вазифа	Уйга вазифа бериш.	2 мин

## **ДАРСНИНГ МАВЗУСИ: ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК ВА КВАДРАТ ЮЗИ** **ФОРМУЛАСИ**

**Дарснинг мақсадлари:**

**Таълимий мақсади:**

тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласини ўргатиш.

**Тарбиявий мақсади:**

мавзу орқали ўқувчилар онгига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғояларини сингдириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:**

ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш, тестга йўналтириш.

**Дарс тури:** аралаш.

**Дарснинг олиб бориш режаси:**

- 1) Ташкилий қисм.
- 2) Ўтган мавзунини сўраш.
- 3) Савол-жавоб қилиш.
- 4) Уй ишини текшириш.
- 5) Математик технологияни қўллаш.
- 6) Масалалар ечиш.
- 7) Дам олиш дақиқаси.
- 8) Тестлар билан ишлаш.

Дарс навбатчи ахбороти билан бошланади. Ўқувчилар фикрини жамлаш учун қисқа савол-жавоб ўтказилади.

1. Ўнли санок системасини киритган олим?
2. Ақл гимнастикаси.
3. 2 га қаррали сонлар.
4. Тўғри тўртбурчак нима?
5. Энг кичик вақт ўлчови.
6. Отадек улуғ зот.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун “Венн диаграммаси”дан фойдаланамиз. Ўтилган мавзу “Тўғри тўртбурчак ва квадрат периметри”.




**ЎХШАШЛИГИ**

1. Учлари.
2. Томонлари.
3. Баландлиги.
4. Қарама-қарши томонлари тенг.

**Янги мавзу баёни**

**ШАКЛНИНГ ЮЗИНИ ЎЛЧАШ – ШАКЛ НЕЧТА  
БИРЛИК КВАДРАТДАН ТАШКИЛ ТОПГАНИНИ  
(ТУЗИЛГАНИНИ) БИЛИШ ДЕМАҚДИР.**


**ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАКНИНГ ЮЗИ**



**ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАКНИНГ ЮЗИ АСОСИ ( $a$ )  
БИЛАН БАЛАНДЛИГИНИНГ ( $h$ ) КЎПАЙТМАСИГА  
ТЕНГ:**

$$S = a \cdot h \text{ (квадрат бирлик)}$$

Тўғри тўртбурчакнинг юзини топиш учун унинг кўшни  
томонлари (бўйи ва эни)ни ўзаро кўпайтириш керак.



**КВАДРАТ ТОМОНЛАРИ ЎЗARO ТЕНГ ( $a=b$ ) ТЎҒРИ  
БЎРТБУРЧАК БЎЛГАНИ УЧУН, КВАДРАТНИНГ  
ЮЗИ УНИНГ ТОМОНИ УЗУНЛИГИНИНГ  
КВАДРАТИГА ТЕНГ:**

$$S = a^2 \text{ (квадрат бирлик)}$$

**Мустаҳкамлаш**

**323-мисол.** 1)  $a = 25$  см,  $b = 6$  см

$$p = ? \quad S = ?$$

$$\text{Ечиш: } p = 2(a + b)$$

$$p = 2(25 + 6) = 2 \cdot 31 = 62 \text{ (см)}$$

$$S = a \cdot b$$

$$S = 25 \cdot 6 = 150 \text{ (см}^2\text{)}$$

Жавоб:  $p = 62$  см,  $S = 150$  см<sup>2</sup>.

**324 – 326 – масалалар** ҳам доскада бажарилади.

**Дарс ўқитувчи томонидан умумлаштирилади ва хулосаланади.**

Дарсда фаол иштирок этган ўқувчиларни жавоблари изоҳланади ва баҳоланади. Ўқитувчи дарсни хулосалайди.

**Уйга вазифа.**

330 – 331 мисоллар.